

АТРОФ МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ СОҲАСИДА “ZERO WASTE” ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ҳасанбоев Иброҳимжон Мирзаназарович
Наманган муҳандислик-қурилиш институти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7138497>

Инсоният ўз - ўзига ҳукм тайёрламоқда. Инсон ҳар томонлама барча ресурслардан фойдаланишни ошириб бормоқда. Экологик муаммолар эса, на давлат чегаралари ва на бошқа тўсиқларни билмайди [1]. Экологик хавфсизлик жамиятнинг бугунги ва эртанги кун учун муҳим муаммолар жумласига киради. Тараққиётнинг айнаи босқичларида инсон билан табиатнинг ўзаро таъсирига оид бир қатор муаммоларни ҳал этиш фақат бир мамлакат доирасида чегараланиб қолмайди [2]. Уларни бутун сайёрамиз биргаликда ҳал қилиши зарур. Экологик муаммолар ер юзасининг ҳамма бурчакларида ҳам долзарбдир. Фақат унинг кескинлик даражаси дунёнинг турли мамлакатларида ва минтақаларида турличадир [3].

Саноатнинг жадал ривожланиши, турли ёқилғиларнинг ёндирилиши, ўрмонларнинг камайиши, океан сувларининг нефт маҳсулотлари билан ифлосланиши, ядро қурулларининг портлатилиши натижасида атмосферадаги кислород миқдорининг кескин камайиб, карбонат ангидриди ва азот оксидлари миқдорининг ошиши кузатилмоқда. Агар карбонат ангидриди миқдори ошиб бораверса, атмосферанинг ифлосланишини олди олинмаса яна 30 йилдан сўнг ер юзасининг ҳарорати сезиларли даражада (1,5 - 4,5°C га) ошиши мумкин. Шу боисдан ҳам музликлар эриши, океан сувларининг сатҳи кўтарилиши, қуруқликнинг бир қисмини сув босиши географик муҳитнинг ўзгариши ҳақида ҳар хил тахминлар қилинмоқда.

Айнаи паллада аввалдан бутун инсоният олдида турган юқоридаги глобал муаммолар, бугун ўз аянчли оқибатларини (мутахассис таъбири билан айтганда, халокатли оқибатларини) намоён қила бошлагани кўпчиликнинг назаридан четда қолмоқда.

Ҳозирги “шоҳдор” вирус авж олган, инсоният бошига келган бу синовли кунларда унинг қайердан келиб чиққани борасида баҳс мунозаралар ҳам кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Минг афсуски, ушну вируснинг келиб чиқишини “экологик” омиллатга боғлиқлиги ҳақидаги фикрлар кўп ҳам қулоққа чалинмаётгани бор гап. Энди биз сўз юритмоқчи бўлган ушбу омилларнинг шаклланиши, тирик организмга таъсирига боғлиқлигини кўриб чиқамиз.

Хусусан, экологлар, ҳозирги кунда йиғилиб қолган улкан миқдордаги маиший ва саноат чиқиндилари дунёдаги кислород ва углерод диоксиди балансига таъсир этиши мумкинлигини, тоза сув захираларини камайтириб, тупроқни қаттиқ ифлослантириб, унинг таркибини ўзгартириши мумкин эканлигини таъкидламоқдалар. Шаҳар ахлатхоналари яқинидаги ер ости сувлари таркибида мышяк, кадмий, хром, кўрғошин, симоб, никел ва бошқа захарли моддаларнинг бирикмалари аниқланган. Ифлосланган сувларни сурункали исътемом қилиш натижасида одам ва уй ҳайвонларининг иммунитети тушиб кетиб, улар турли касалликларга чалинадилар. Атмосфера ёғингарчиликлари ва қаттиқ жисм кўринишидаги чиқиндиларнинг ўзаро таъсири остида ҳосил бўладиган фильтрат айниқса хавфли ҳисобланади. Кўмилган ушбу моддаларнинг ташқарига чиқиш вақти - қумли ерлар учун 1 йилдан, лойли ерлар учун 25 йилгача бўлиши мумкин. Ахлатхоналар атрофидаги тупроқ 1,5 км радиусда ифлосланади, у ердаги кемирувчилар ва пашшалар туфайли эпидемиологик хавф юзага келиши айтилиши ҳақиқатдир.

Шу кунга қадар ер юзидаги энг тоза ҳаво океан сувлари устида экани таъкидлаб келинган. Тадқиқотчиларнинг фикрича яқин келажакда Тинч океанининг жанубий оқимлари минтақасида иккинчи чиқиндилар ороли пайдо бўлиши мумкинлиги башорат қилинмоқда. Ушбу янги ахлат (таркиби антропоген пластмасса ва сунъий моддалар бўлган саноат ва маиший чиқиндилар) қитъасининг 2 миллион квадрат километрдан ортиқ ҳудудни эгаллаши тахмин қилинган. Ушбу майдондаги захарли моддалар осеан сувларига, сув буғланиб атмосферага ва яқинда эса, яна тирик организмга, хусусан инсонлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши маълум.

Тирик организмларни захарловчи ёки уларга таҳдид қилувчи хавфли (захарли) чиқиндиларнинг миқдори тинимсиз ортишда давом этмоқда. Улар сирасига, биринчи навбатда қишлоқ хўжалигида ишлатилмай қолинган захарли химикатлар, таркибида захарловчи ва мутация чақирувчи моддалар бўлган саноат корхоналаридаги чиқиндилар ва бошқалар киради. АҚШ да қаттиқ маиший чиқиндиларнинг 41% «ўта хавфли» саналса, Венгрияда бу кўрсаткич 33,5%, Францияда 6%, Буюк Британияда 3%, Италия ва Японияда эса 0,3% ни ташкил этади.

Юқоридаги кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда, Япония мамлакатининг чиқиндиларни қайта ишлаш тармоғи фаолиятини ўрганишга оид бир қатор маълумотлар таҳлил қилиниб, унга кўра, Японияда чиқиндиларни самарали йўқотиш борасидаги энг аҳамиятли

лойиха, "Zero waste" тизимининг самарали йўлга қўйилганлиги ҳисобланади.

"Нолинчи чиқиндилар" бу бирор бир жараён ёки технология эмас, балки фалсафа, аммо уни албатта янгилик деб ҳисоблаш мумкин. Зеро, чиқиндилар бўйича халқаро альянс буни қўйидагича таъкидлайди:

- Ноль чиқиндилар - бу ахлоқий, иқтисодий, самарали ва дунёқарашга асосланган, инсонларнинг турмуш тарзи ва фаолиятини ўзгартиришда барқарор табиий цикллари тадқиқ қилиш учун йўналтириш демакдир. Бу ерда барча ташлаб юборилган материаллар тўлиқ қайта ишланиб, бошқалар фойдаланишлари учун манбаага айлантирилади.

"Нолинчи чиқиндилар" бу чиқиндиларнинг миқдори ва захарлилигини мунтазам равишда камайтириш ва йўқ қилиш, барча ресурсларни сақлаш ва қайта тиклаш, уларни ёқиб юбормаслик ва кўмиб юбормаслик учун маҳсулотлар ва жараёнларни лойихалаштириш ва бошқаришни назарда тутди.

"Нолинчи чиқиндилар" тизимини жорий қилиш сайёра, инсон, ҳайвонот ёки ўсимлик саломатлиги учун хавф туғдирадиган ер, сув ёки атмосфера ҳавосига ташланадиган барча маиший ва саноат чиқиндиларини йўқ қилиш имконини яратади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Shermatov, A., & Maulyanov, S. (2022). ЎСИМЛИК ТАРКИБИДАН КОЛХИЦИН ВА КОЛХАМИН АЛКАЛОИДЛАРИНИ АЖРАТИБ ОЛИШ КИНЕТИКАСИ. Science and innovation, 1(A5), 431-436
2. Usmonova, Z., Boyturaev, S., Soadatov, A., G'oyipov, A., & Dehkanov, Z. (2018). PROCESSING OF CALCIUM NITRATE GRANULATED CALCIUM SALTPETER. Scientific-technical journal, 1(2), 98-105.
3. Hasanboyev, I., Abdusamatov, K., & Rivojitdinov, I. (2022). КИТОВХОНЛИК ИСТИҚБОЛИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ. Science and innovation, 1(B5), 560-563.
4. Жураев, М. У., Каримов, А. М., & Ботиров, Э. Х. (2022). Scutellaria adenostegia Briq ўсимлиги таркибидаги апигенин (5, 7, 4'тригидроксифлаван) ни ажратиб олиш ва таҳлил қилиш. Та'лим фидойилари, 22(7), 178-179.
5. Гайипов, А. Р., Нормурадов, И. У., & Таджиходжаева, У. Б. (2020). ИЗУЧЕНИЕ ВЛИЯНИЕ СОСТАВА ФЕНОЛА СПИРТА НА ПРОЦЕСС ВШИВАНИЕ МОДИФИЦИРОВАННЫХ ФЕНОЛ-ФОРМАЛЬДЕГИННЫХ ОЛИГОМЕРОВ. Экономика и социум, (12-1), 457-461.

6. Нормурадов, И. У., Сабирова, Р. Г. К., & Гойипов, А. Р. У. (2021). ИССЛЕДОВАНИЕ ТЕПЛОВЫХ СВОЙСТВ МОДИФИЦИРОВАННЫХ ФЕНОЛФОРМАЛЬДЕГИДНЫХ ОЛИГОМЕРОВ. *Universum: технические науки*, (6-3 (87)), 65-69.
7. Ergashev, S., G'oyipov, A., & Alimuxamedov, M. (2022). KOMPOZITSION FENOL-FORMALDEGID OLIGOMERLARINING TARKIBINI NEFELOMETRIK USULDA O'RGANISH. *Science and innovation*, 1(A5), 424-430.
8. G'oyipov, A. (2022). TERMOPLASTIK POLIEFIRLAR ISHRIROKIDA MODIFIKATSIYALASHNING AFZALLIKLARI. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(7), 191-197.
9. Мирзаев А. Н., Рахмонов Д., Буриева З. Р. Влияния Режимных Параметров На Степень Очистки В Двухступенчатом Аппарате //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL & APPLIED SCIENCES. – 2022. – Т. 3. – №. 5. – С. 10-14.
10. Azizbek, G., & Muzaffar, D. (2022). PRODUCTION OF POLYESTER BASED ON ADIPIC ACID AND DETERMINATION OF OPTIMAL COMPONENT RATIO OF COMPONENTS. *Universum: технические науки*, (7-4 (100)), 43-46.
11. Мамаджанов, З. Н., Абдуназаров, Ф. А., & Рустамов, И. Т. (2022). ЦЕНТРОБЕЖНАЯ МЕЛЬНИЦА С КЛАССИФИКАТОРОМ СЛОИСТОГО ПОТОКА ДЛЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ В ПРОИЗВОДСТВЕ ПОРОШКОВОГО НЕФТЯНОГО КОКСА В УЗБЕКИСТАНЕ. *Universum: технические науки*, (3-5 (96)), 23-28.
12. Мамаджанов, З. Н., Абдуназаров, Ф. А., & Рустамов, И. Т. (2022). ЦЕНТРОБЕЖНАЯ МЕЛЬНИЦА С КЛАССИФИКАТОРОМ СЛОИСТОГО ПОТОКА ДЛЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ В ПРОИЗВОДСТВЕ ПОРОШКОВОГО НЕФТЯНОГО КОКСА В УЗБЕКИСТАНЕ. *Universum: технические науки*, (3-5 (96)), 23-28.